O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... INV. №

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2002 йил, 16 март, шанба № 33 (1609). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 16 марта, 2002 год № 33 (1609). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

**НЬЮ-ЙОРК. 14 март. ЎзА махсус мухбири А. Бобоев хабар қилади.**

Кеча Нью-Йорк шаҳрига ташриф буюрган Президент Ислом Каримов бугун эрталаб Нью-Йорк ҳокими Майкл Блумберг билан учрашди. Мазкур шаҳар АҚШнинг энг йирик молиявий маркази бўлиб, унда йирик банклар, етакчи компания ва фирмаларининг қароргоҳлари жойлашган. Нью-Йорк биржаси жаҳон бозори конъюктурасини белгилайдиган жуда катта муассасадир. Пахта, қаҳва, шакар, металлар каби ўта зарур маҳсулотларнинг нархи Нью Йорк биржасидаги олди-сотдига бевосита боғлиқдир.

Ислом Каримов ҳоким билан учрашуви чоғида Нью-Йорк катта иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини таъкидлади. М. Блумберг маҳаллий ишбилармонларнинг эътиборини кўпроқ жалб этиш орқали Нью-Йорк Ўзбекистон — АҚШ иқтисодий ҳамкорлиги ривожига салмоқли ҳисса қўшишини айтди.

Ислом Каримов Нью-Йорк ҳокими билан бирга Жаҳон савдо маркази харобаларини бориб кўрди. Мамлакатимиз раҳбари бу ерда ўтган йили 11 сентябрда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатининг қурбонлари хотирасига гул қўйди. Америкаликларнинг иродаси бутун дунё аҳлини ҳайратга солганини таъкидлади. М. Блумберг мамлакатимиз президентига АҚШни, у билан иттифоқликда терроризмга қарши тузилган халқаро коалицияни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди ва бундай қатъиятни, айниқса, нью-йоркликлар юксак қадрлашини таъкидлади. Жаҳон савдо марказига уюштирилган ҳужумдан биргина АҚШ жабр кўрмади. Кўпгина бошқа мамлакатлар фуқаролари барабарида бу ерда икки нафар ўзбекистонлик ҳам ҳалок бўлган эди. Шунинг ўзи террор чегара билмаслиги ва миллат танламаслигини, унга қарши ёппасига курашмоқ лозимлигини англатади.

Диний экстремизм ва террорчилик муаммолари Ислом Каримовнинг АҚШ Олий ислом кенгаши раиси шайх Қаббоний билан учрашувида ҳам муҳокама қилинди.

Шу билан Ислом Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ — СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11—14 март кунлари расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлди.**

АҚШ дунёда ҳар томонлама етакчиликни қўлга киритган давлатдир. Ислом Каримовнинг ушбу мамлакатга расмий ташрифига пухта тайёргарлик кўрилди. Бундай қудратли давлатга боришдан олдин аниқ мақсадларни, ташриф муддаосини белгилаб олиш керак. Энди АҚШ сафари ортда қолган экан, ташриф якунларига қандай баҳо бериш мумкин, у Ўзбекистонга қандай фойда келтиради, мамлакатимиз қандай манфаат кўради, деган саволлар пайдо бўлади.

Аввало, Ислом Каримовнинг Жорж Буш билан учрашувига тўхталсак. АҚШ Президенти ўзбекистонлик олий мартабали меҳмонни Оқ уй маъмурияти ва мамлакат ҳукуматининг катта нуфуз ва обрў-эътиборга эга вакиллари қуршовида кутиб олди. Бу учрашувга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилганидан, Ўзбекистон делегациясига катта ҳурмат-эътибордан далолат.

АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Кондолиза Райс, Пентагон раҳбари Доналд Рамсфелд, давлат котиби Колин Пауэлл ва бошқа расмий кишилар иштирок этган бу учрашувда дастлаб Ўзбекистон раҳбарига Америка халқини энг синовли дамларда дадил қўллаб-қувватлагани учун яна бир карра самимий миннатдорлик билдирилди. Ж. Буш Ўзбекистон қатъият билан аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлаганини АҚШ ҳукумати ва халқи унутмаслигини, бу миннатдорлик ва эҳтиром келгусида жуда кўп бор намоён бўлишини таъкидлади. У Ислом Каримовни бундан буён АҚШ стратегик шерик сифатида доим Ўзбекистон билан бирдам бўлишига ишонтирди.

Вашингтонда АҚШ ҳукумати бу йил Ўзбекистонга ёрдам тариқасида 160 миллион доллар ажратиши маълум қилинди. Шуни инобатга олган ҳолда ҳамда Жорж Буш ва бошқа расмий кишилар билан мулоқотлар руҳидан англаш мумкинки, АҚШ бундан буён ҳам Ўзбекистондаги ислоҳотларни янада кенг ва фаол қўллаб-қувватлайверади.

Оқ уйдаги учрашувда Марказий Осиёдаги жараёнлар ҳам муҳокама қилинди. Минтақамиздаги иқтисодий интеграцияни ривожлантириш, хавфсизлик масалаларига эътибор қаратилди. Гап шундаки, Афғонистондаги аксилтеррор операцияси якуний босқичига қадам қўйгани билан ҳали хотиржамликка берилиб бўлмайди. Аксинча, энди янада қийин ва мураккаб вазифаларни бажариш керак. Президентимиз АҚШнинг етакчи газета ва журналлари раҳбарлари билан учрашувда таъкидлаганидек, биринчи галда Афғонистонда ҳаётий инфратузилмаларни тиклаш, мамлакатни тинч ҳаётга қайтариш зарур. Афғонистон хориж ёрдами билангина ўз ҳаётини изга солиши мумкин.

Иккинчидан, «Толибон» ва «Ал-Қоида» жангарилари бутунлай йўқотилгани йўқ. Мамлакатнинг айрим ҳудудларида баъзан майда гуруҳлар халқаро коалицияга қарашли ҳарбийларга қаршилик кўрсатиб тургани сир эмас. Жангариларнинг муайян қисми хорижда. Коалициянинг ҳозирча эътиборига тушмаган жойларда яшириниб ётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Улар вақти келиб, яна ўзининг манфур башарасини намоён қилмаслигига, хунрезликлар уюштирмаслигига кафолат йўқ. Шу боис уюшқоқликни, ҳамжиҳатликни сусайтирмаслик даркор.

Бошқа бир муаммо Афғонистонда йиғилиб қолган қурол-яроғдир. Ҳозир мамлакатда 10 миллион донадан ортиқ ўқотар қурол бор. Миллий тотувлик энди-энди шаклланаётгани, марказий ҳокимиятнинг кучи ҳали бутун мамлакатни назорат қилишга етмаслиги ҳозирги барқарорликнинг давомийлиги ва мустаҳкамлигига соя солмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон учун давлат чегарасини мустаҳкамлаш борасида АҚШ билан ҳамкорликни ривожлантириш ғоят муҳимдир. АҚШ томони ҳам халқаро террорчилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар, қурол-яроғ ва оммавий қирғин қуроллари таркибий қисмларининг контрабандаси долзарб муаммолар эканлигини, уларга қарши курашда Ўзбекистонга ва умуман Марказий Осиёга кўмак бериб, шу орқали дунёдаги барқарорликни мустаҳкамлаш мумкинлигини эътироф этди. Бу борада катта имкониятлар ва бой тажрибага эга АҚШ бизга чегарани мустаҳкамлашда, унинг муҳандислик ва техникавий инфратузилмасини такомиллаштиришда самарали ёрдам кўрсатиши мумкин. Бу хусусда томонларнинг фикри бир жойдан чиқди.

Шу билан бирга, Оқ уйда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Пентагонда Доналд Рамсфелд билан бўлган учрашувда эса бу йил Ўзбекистон Қуролли Кучлари ислоҳотига кўмаклашиш учун 43 миллион доллар ажратилиши маълум қилинди. Ўтган йили бу рақам 15,5 миллион доллар эди.

Аввалги хабарларда айтилганидек, Президент Ислом Каримов АҚШнинг қишлоқ хўжалиги ва молия вазирлари билан учрашди.

Қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман хоним билан суҳбат чоғида мазкур соҳада илмий тадқиқотлар ўтказиш ва тажриба алмашиш масалаларига эътибор қаратилди. Меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 2,5 фоизигина шу соҳада банд бўлганига қарамай, дунёда пахта, ғалла, гуруч каби зарур маҳсулотлар етиштириш бўйича етакчилик қилаётган, қишлоқ хўжалигида илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини ишга солаётган АҚШ билан бундай ҳамкорликдан Ўзбекистон манфаатдор экани ва катта фойда кўриши тайин.

АҚШда тахминан 22 миллион фермер хўжалиги бор. Битта хўжалик ўртача 190 гектар ерга ишлов беради. Мамлакат чорвачилик ва паррандачиликда ҳам катта ютуқларни қўлга киритган.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг АҚШ билан бу соҳадаги ҳамкорлиги ПЛ-480 дастури доирасида қабул қилинган ҳукуматлараро битимларга таянади. ПЛ-480 илмий изланишларга оид дастурларни ижро этиш ва АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан тажриба алмашишни молиялаш учун захира жамғарма шакллантиришни кўзда тутади. Ўтган йилнинг апрелидан мамлакатимизда ўнта дастур амалга оширила бошлади. Бу йил эса яна ўн тўрттаси кўриб чиқилади. Улар деҳқончилигимизда ҳосилдорликни ошириш, чидамли ва серҳосил навлар яратиш, ер-сув захираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ кўплаб долзарб масалаларни қамраб олган.

Вашингтонда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро ҳамкорликка оид ҳужжат имзоланди.

Молия вазири Пол О'Нил билан бўлган учрашув АҚШ томонидан Ўзбекистонга молиявий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланди. АҚШ томони Ўзбекистондаги бозор ислоҳотлари ва демократик жараёнларни қўллаб-қувватлаш учун мамлакатимизга ёрдам бериш зарурлигини қатъий эътироф этади. Жумладан, учрашувда миллий валютамизнинг тўлов қобилиятини ошириш, валюта бозорини эркинлаштириш, бюджетни қўллаб-қувватлаш мақсадида АҚШ вазирлик ва идораларининг имтиёзли дастурлари ва грантлари доирасида молиявий ёрдам ҳажмини кўпайтириш масаласи кўрилди.

Ислом Каримов ва Пол О'Нил Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий молия муассасалари билан ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларини ҳам муҳокама қилди. Албатта, бу масала кўтарилгани бежиз эмас. АҚШ молия вазири Президентнинг асосий иқтисодий маслаҳатчиси, айни вақтда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Америкааро тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва Европа тикланиш ва тараққиёт банкида ўз мамлакати томонидан бошқарувчи ҳисобланади. АҚШнинг нуфузини ҳисобга оладиган бўлсак, эндиликда бу муассасаларда Ўзбекистон манфаатларини қўллаб-қувватловчи ишончли шерикларимиз сони янада кўпайди, дейиш мумкин.

Президент Ислом Каримов АҚШ Конгрессига борганда, уни Вакиллар палатаси раиси Деннис Ҳастр қарши олди. Таъкидламоқ жоизки, АҚШ конгрессменлари барча мамлакатлар президентларига ҳам бундай иззат-икром кўрсатавермайди. Конгрессдаги мулоқот чоғида асосий эътибор Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Таъкидламоқ керак, Оқ уйнинг Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш борасидаги таклифлари олий қонун чиқарувчи орган томонидан тўла маъқулланмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкорлик мамлакат манфаатларига уйғун ва ғоят аҳамиятли эканлиги эътироф этилди. Сенаторлар, конгрессменлар мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар ҳақида янада тўлиқроқ маълумотга эга бўлди. Ўтган бир неча ой ичида 16 нафар сенатор ва 8 конгрессмен Ўзбекистонга келиб кетди.

Конгрессда Сэм Браунберг, Ҳиллари Клинтон каби нуфузли сенаторлар билан бўлган учрашувда ҳам АҚШ олий қонун чиқарувчи органининг Ўзбекистонга ҳайрихоҳлиги қатъий таъкидланди. Американлик қонун чиқарувчилар Ўзбекистон Президентига Америка халқини ва Президентини синовли дамларда қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор миннатдорлик билдирди.

Ислом Каримов Сенат аъзоларининг катта қисми ўтирган залга кириб борганида, сенаторлар ўринларидан туриб узоқ олқишладилар. Сенаторлар сўнгги пайтда Конгресснинг Ўзбекистонга муносабати кескин ўзгарганини таъкидлади. Зеро, аксилтеррор коалициясини биринчилар қаторида қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон террорни йўқ қилиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш истаги билан чекланиб қолмайди, мамлакатимиз демократия ва эркинлик билан боғлиқ қадриятларни ҳам ҳимоя қиляпти.

Шундай қилиб, ташриф самарали кечди, дейиш учун асос етарли. Расмий доиралар вакиллари билан учрашувлар очиқ ва ғоят самимий руҳда ўтди. Оқ уйда, Конгрессда, Давлат департаментида, Пентагонда АҚШ томонининг юксак ҳурмат-эътибори кўзга яққол ташланиб турди. Бундан ташқари эса, АҚШ жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари халқаро террорга қарши курашга қўшган улкан ҳиссаси учун Ислом Каримовни «Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби» мукофоти билан тақдирлади. Мукофотни АҚШнинг таниқли давлат ва жамоат арбоби Генри Киссенжер топширди.

Шунингдек, Ўзбекистон — Америка савдо палатаси уюштирган қабул маросимида америкалик ишбилармонлар Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти катта эканлигини, ўзаро шериклик кўлами кенгайишида Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. Барча Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш истагини намоён этди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон АҚШдек қудратли давлат билан стратегик шерик бўлди. Унинг нечоғли куч-қудратга эга эканлигига узоқ тўхталиш шарт эмас. Бир-икки иқтисодий кўрсаткични мисол келтириш кифоя. АҚШда ялпи ички маҳсулот ҳажми тахминан 10 триллион долларни ташкил қилади.

Мамлакат савдо вазирлигининг Иқтисодий таҳлил бюроси ҳисоботида ёзилишича, АҚШнинг олтин захираси бутун дунёдаги захиранинг 30 фоизини ташкил этади. Мамлакат саноатнинг деярли барча соҳалари бўйича дунёда етакчи ўринга чиққан. АҚШда 11 мингдан зиёд банк бор. Ҳозирги кунда, бу мамлакат дунё сиёсий ва иқтисодий ҳаётида «об-ҳавони белгилайди», десак асло хато бўлмайди. Демак, биз нафақат янги стратегик шерик орттирдик, балки унга ҳамкор ё иттифоқчи бўлган бошқа давлатларнинг назарини ҳам ўзимизга янгидан қаратдик. АҚШ Ўзбекистонни ўзининг стратегик шериги деб эълон қилар экан, кўп давлатлар, шунингдек, нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар ҳам, Ўзбекистонга муносабатини ўзгартирмай қолмайди — ҳамкорликни, эътиборни кучайтиради. Яна бир муҳим томони шуки, мамлакатимизга ғараз кўзи билан қарайдиган кучлар ҳам энди ўйлаб иш кўришга мажбур.

Ташриф мобайнида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ўзаро шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, шунингдек, илмий-техникавий тадқиқотлар, ядровий материаллар ва технологиялар тарқалишининг олдини олишда ҳамкорлик, молия соҳаларига оид қатор ҳужжат имзоланди. Улар орасида айниқса мазкур декларация ғоят муҳимдир. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда, хавфсизлик борасидаги ҳамкорликни назарда тутувчи бу ҳужжат стратегик шерикликнинг тамойилларини расман белгилаб берди. Томонлар хавфсизликка таҳдид соладиган ҳар қандай трансмиллий хавф-хатарга қарши биргаликда курашади. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик қамрови кенгайиб, бутун ижтимоий соҳани, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, асосий ва ижтимоий фанлар, юқори технологияларга оид масалаларни ўз ичига олади. Декларацияда АҚШ томони Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизнинг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қиладиган техникавий ёрдам дастурларини амалга ошириши, Америкадаги банк ва компанияларни жалб қилиши таъкидланади.

Ислом Каримов Вашингтонда Жаҳон банки раҳбари Жеймс Вулфенсон, «Ньюмонт майнинг» компанияси президенти ва ижрочи директори Уэйн Мёрди билан учрашди. Мазкур учрашувларда қўшма лойиҳалар ижроси, янгиларини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Нью-Йоркда эса Президентимизнинг шаҳар ҳокими Майкл Блумберг билан учрашуви бўлди. Мазкур шаҳар АҚШнинг энг йирик молиявий маркази бўлиб, унда йирик банклар, етакчи компания ва фирмаларнинг қароргоҳлари жойлашган. Нью-Йорк биржаси жаҳон бозори конъюктурасини белгилайдиган жуда катта муассасадир. Пахта, қаҳва, шакар, металлар каби ўта зарур маҳсулотларнинг нархи Нью-Йорк биржасидаги олди-соттига бевосита боғлиқ.

Ислом Каримов ҳоким билан учрашуви чоғида Нью-Йорк катта иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини таъкидлади. М. Блумберг маҳаллий ишбилармонларнинг эътиборини кўпроқ жалб этиш орқали Нью-Йорк Ўзбекистон — АҚШ иқтисодий ҳамкорлиги ривожига салмоқли ҳисса қўшишини айтди.

Ислом Каримов Жаҳон савдо маркази харобаларини бориб кўрди. Мамлакатимиз раҳбари бу ерда ўтган йили 11 сентябрда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатининг қурбонлари хотирасига гулчамбар қўйди. Америкаликларнинг иродаси бутун дунё аҳлини ҳайратга солганини таъкидлади. М. Блумберг Президентга АҚШни, у билан иттифоқликда террорга қарши тузилган халқаро коалицияни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди ва бундай қатъиятни, айниқса, нью-йоркликлар юксак қадрлашини таъкидлади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон АҚШ билан стратегик шерик бўлди ва шу билан ўзининг тинчлиги ва тараққиётининг кафолатини янада мустаҳкамлади. Ташриф давомида Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром мамлакатларимизнинг бир-бирига ишончи мустаҳкам ва бардавом эканлигини кўрсатди.

**А. БОБОЕВ,**
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Вашингтон — Нью-Йорк — Тошкент.

● С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

## КРЕПОСТЬ В ГОРАХ

**В частях и подразделениях Вооруженных Сил Республики Узбекистан тщательно изучается и берется на вооружение опыт, накопленный в ходе операций по поиску и уничтожению банд международных террористов. На последних тактических учениях инженерно-саперное подразделение старшего лейтенанта Анвара Ибрагимова и офицеры тыла отрабатывали вопрос по оборудованию высоко в горах блокпоста, предназначенного для контроля и пресечения несанкционированного передвижения в горных проходах, а курсанты ТВОКУ обучались на нем действиям в горах.**

Как правило, именно блокпосты будут в ходе боестолкновений с бандами международных террористов основным объектом нападения боевиков. При этом противник будет применять либо тактику налета, либо — скрытного нападения на дежурную смену. Фортификационное оборудование блокпоста должно обеспечивать эффективную круговую оборону, а также надежную защиту дежурной смены от огня противника.

Не следует забывать, что срок боевого дежурства на блокпосту может исчисляться неделями. Именно поэтому саперы и подразделения тыла за короткое время должны оборудовать все, что необходимо для нормальной жизни личного состава. На блокпосту строятся углубленные, с каменными стенами сооружения не только для наблюдения и ведения огня, но и для отдыха, хранения продуктов, приготовления пищи, утилизации отходов.

На блокпосту широкое поле деятельности для представителей тыла. Начальник гостехнадзора капитан Б. Аблакулов определяет соответствие обогревательных и другпх приборов требованиям техники безопасности. Начальник ГСМ старший лейтенант А. Бешимов в ходе учений обеспечивал поступление необходимого количества топлива для обогрева личного состава, приготовления пищи и освещения жилых и служебных помещений. А исполняющий обязанности заместителя командира части по тылу старший лейтенант А. Ибрагимов в ходе учений отрабатывал вопросы по тыловому обеспечению личного состава блокпоста на весь период службы.

Понятно, что при столь значительном тыловом обеспечении личный состав подразделения, занимающего оборону на блокпосту и несущего службу по контролю за движением на развилке дорог в горном ущелье, несмотря на резкую смену погоды от снегопада до весенней распутицы, может выполнять свои учебно-боевые задачи с высоким качеством, без послаблений и упрощений.

Принимавшие участие в учениях курсанты 4-го курса Ташкентского ВОКУ имели возможность досконально изучить обязанности всех должностных лиц в ходе выполнения поставленных задач, на практике отработать действия мотострелкового подразделения на блокпосту в различных условиях боя.

Руководители учений отметили профессиональное использование огневой позиции снайпером курсантом Шахриером Искандаровым, расчетом АГС-17 в составе курсантов Мирсоата Исабаева и Рахима Рузиева, умелые действия других будущих офицеров. Несомненно, полученные ими навыки оборудования и обороны «крепости в горах» не раз пригодятся во время командования мотострелковыми подразделениями в случае, если международные террористы вновь посмеют нарушить мирную жизнь народа независимого Узбекистана.

Подполковник **В. КАЛОШИН.**

На снимках:

**— (вверху) главное для снайпера, считает курсант Ш. Искандаров, умело использовать складки местности и ничем не выдавать своего присутствия;**

**— (внизу) расчет АГС-17 в составе курсантов М. Исабаева и Р. Рузиева успешно справился с поставленными учебно-боевыми задачами при несении службы на блокпосту.**

Фото **Н. ЮСУПОВА.**

● ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

## БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

**Шу йилнинг 23 март куни соат 11.00 дан 13.00 гача Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннопжон АҲМЕДОВ ва вазирликнинг масъул ходимлари «Ватанпарвар» редакциясида телефон орқали бевосита мулоқот ўтказишади.**

**Ҳурматли ота-оналар, ҳарбий хизматчилар, сиз ўзингизни қизиқтирган ҳарбий хизматга оид ва умуман барча саволлар билан телефон орқали мурожаат этишингиз мумкин. Бизнинг телефон рақамларимиз:**

56—07—80;
56—17—98;
56—04—60.

Тошкент шаҳри коди: (371—2).

**Ҳарбий хизматчилар махсус ҳарбий телефон хизмаидан ҳам фойдаланишлари мумкин.**

**Марҳамат, телефон қилинг!**

**Қўнғироқларингизни кутамиз.**

**ТАҲРИРИЯТ.**

● ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ЯГОНА КУНИНИ ЎТКАЗУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

# ЁШ АСКАРЛАРНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ВА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ТУГАТГАН ЖАНГЧИЛАРНИ ЭҲТИРОМ БИЛАН КУЗАТИШ

**Мазкур мувзуни ўрганиш ҳар бир жангчига қисм ва бўлинма жанговар шайлиги, юксак ҳушёрлик, уюшқоқлик ҳамда мустаҳкам ҳарбий интизом учун ўзининг масъул экانлигини хизматнинг ушбу муҳим босқичиданоқ чуқур идрок этишида яқиндан ёрдам беради.**

**Машғулот ўтказишга қисм ва бўлинмалар раҳбарияти таркибини, ҳарбий адлия ҳамда ёш аскарларни қабул қилиш маъмурияти офицерларини, яхши тайёргарликка эга бўлган ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларини жалб этиш лозим.**

**Мавзуни қуйидаги асосий икки саволга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:**

**1. Қуролли Кучлар қисм ва бўлинмаларига ёш аскарларни муносиб қабул қилиш.**

**2. Қонунда белгиланган ҳақиқий хизмат муддатини ўтаб бўлган жангчиларни эҳтиром билан заҳирага бўшатиш.**

Бизнинг Ватанимиз — Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан ишончли бормоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти, унинг ижтимоий соҳаси, илму фани ва маданияти муваффақиятли ривожланяпти. Республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти такомиллашмоқда, демократияни яна-да чуқурлаштириш жараёни давом этяпти, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошмоқда. Мамлакатимизда икки палатали парламент ва президент ваколати муддатини узайтириш бўйича ўтказилган Референдум бунинг ёрқин исботидир. Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳам чуқур ислоҳотлар жараёнида турибди. Туб ислоҳотлар ўтказиш ва армияни яна-да такомиллаштириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи, жаҳон ҳамда минтақадаги ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазият тақозо этмоқда. Мамлакатимиз Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригида айтилганидек:

**«Бугун биз мураккаб бир даврни бошдан кечирмоқдамиз. Жаҳонда терроризм, ашаддий жангарилик, наркобизнес хуружи каби балоқазоларнинг энг мўқаддас неъмат бўлмиш инсон ҳаётига тажовузи ҳамон сезилиб турибди. 11 сентябрь фожиалари ва Афғонистондаги аксилтеррористик ҳаракатлар олиб борилиши натижасида Марказий Осиёда, бевосита бизнинг чегаларимизда сиёсий-ҳарбий вазият ўзгармоқда, дунёнинг сиёсий харитасида кучларнинг янгича тақсимланиши рўй бермоқда.**

**Буларнинг барчаси давлатимиздан, жамиятимиздан, Қуролли Кучларимиздан ҳушёрликни яна-да оширишни, армиямизнинг жанговарлик қудратини ҳар томонлама юксалтиришни тақозо этади. У ҳар қандай вазиятда ҳар қандай агрессорга — қандай шакл ва қиёфада бош кўтармасин — муносиб зарба беришга қодир бўлмоғи зарур».**

Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиси, аскар Олий Бош Қўмондонимиз қўйган вазифаларнинг уддаловчи ва ҳарбий ислоҳотларнинг марказий фигураси ҳамда асосий ижрочи шахси ҳисобланади. Шу боис асосий эътибор унга, унинг профессионаллиги, интизоми, маънавий-ахлоқий тарбияси ва маънавий-руҳий такомиллашувига қаратилянти. Бу фаолиятда ёш аскарлар билан ишлаш, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни якунлаган жангчиларни захирага кузатиш муҳим ўрин тутади.

## I.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили баҳор ва кузда белгиланган ҳарбий ва муқобил хизмат муддатини ўтаб бўлган шахсларни заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақирув ҳақида қарор қабул қилади. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. А. Каримов томонидан ушбу қарор имзолангач, Қуролли Кучлар ҳаётида муҳим мавсум — ёш аскарларни қабул қилиш ва уларни сафга қўйиш ҳамда қонунда белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган жангчиларни захирага бўшатишга тайёргарлик ишлари бошланади.

Ёш аскарларни кутиб олиш — ҳарбий фаолиятнинг алоҳида, ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Шунингдек, у қисм ва бўлинмалар барча шахсий таркибининг, командирлар ҳамда ёш аскарларни қабул қилиш ва сафга кўниктириш маъмурияти ҳуқуқий муносабатларининг ҳам ўзига хос кўринишидир.

Хўш, ёш аскарларни қабул қилиш ва сафга кўниктиришга бунчалик муҳим аҳамият берилишининг сабаби нималарда асосланади?

**Биринчидан,** табиийки, армияга энди келган ёш йигит ҳали зарур даражада чиниқиб улгурмаган бўлади. Шунинг учун ҳам ҳарбий профессионаллик шаклланиши бошланишиданоқ унга ҳарбий хизмат улуғлиги моҳиятини бутун қалб кўри билан идрок этиб, мўқаддас бурч сифатида ёндашишни тушунтириш, аҳлига сингдириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

**Иккинчидан,** бу давр ёш йигит ҳаётида алоҳида хусусиятли бўлиб, у энди янги турмуш тарзига ўтади. Ёш аскар қатъий кун тартибига риоя қилишга, буйруққа сўзсиз бўйсунишга, жисмоний ва руҳий чиниқишга ўргатила бошланади.

**Учинчидан,** ушбу вақт мобайнида ёш йигитда ҳарбий хизмат ҳарбийдан ўз бурчига садоқат билан муносабатда бўлишни, ўзининг ҳарбий ва ижтимоий-сиёсий билимларини мунтазам мукаммаллаштириб боришни, юксак ижрочиликни, ҳарбий Қасамёд ва Умумҳарбий Низомлар талабларига қатъий ва оғишмай амал қилиш кераклигини жуда яхши тушуниб олмоғини шакллантирмоқ даркор.

**Тўртинчидан,** айнан ўша вақтда ёш аскарда ҳозирги замон ҳарбий-сиёсий шароитида халқаро террорчилар ва диний экстремистларга қарши кураш ва дунё ҳамжамияти томонидан антитеррор операциялари ўтказилаётган бир паллада ҳар қачонгидан ҳам ҳушёрлик, жанговар эҳтиёткорлик ва жанговар шайлик зарур эканлиги тушунчасини ҳосил қилмоқ керак.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофиқ 22—23 март кунлари барча қисм ва бўлинмаларда «Ёш аскарларни муносиб кутиб олиш ва муддатли ҳарбий хизматни якунлаган жангчиларни эҳтиром билан кузатиш» мавзусида Ҳуқуқий билимлар ягона куни ўтказилади.

Ушбу мавзуга мурожаат қилишга сабаб — унинг Қуролли Кучлар шахсий таркиби ҳаётида катта амалий аҳамият касб этишида. Ёш аскарларни қабул қилиш ҳамда ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган жангчиларни заҳирага бўшатиш қисм ва бўлинмалар ҳаётида муҳим ўрин тутади. Чунончи, бу тадбирда ёш аскарлар тайёргарлиги, уларнинг хизматга тез кўникиши, шахсий таркиб ҳаёти ва фаолиятининг умумий ҳолати, мустақил Ватанимиз ҳимояси йўлида хизмат қилиш ҳамда жанговар-ўқув вазифаларни жангчилар аъло даражада бажаришига бевосита таъсир этади.

Ўзбекистон Республикаси «Умумҳарбий мажбуриятлар ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун, Умумҳарбий Низомлар қоидалари, Мудофаа вазирининг буйруқлари ва тегишли кўрсатмалар орқали ёш аскарлар, умуман барча ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мезонлари белгиланади. Ёш аскарларни қабул қилиш ва уларни сафга қўшишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, Қуролли Кучларнинг ана шу тоифаси шахсий таркиби билан ишлаш учун алоҳида режа ишлаб чиқилади.

Барча доирадаги режаларда қуйидаги масалалар, тартиб-қоидалар ўз аксини топмоғи лозим.

**Ташкилий масалаларда.** Командирлар, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлар ҳали ёш аскарлар келмасдан туриб ва келишгач амалга оширмоғи шарт бўлган ишлар:

**1. Чақирув комиссиялари билан яқиндан алоқа ўрнатишлари ва ёрдам кўрсатмоқлари керак.** Мудофаа ишлари бошқармаларидан, маҳалла қўмиталаридан, ўқув юртларидан, иш-жойларидан ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан чақирилувчига сифатли тафсивнома берилишини таъминланишини ташкил этмоқ керак. Маҳаллий ҳокимият органлари, жамоатчилик ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва маҳалла қўмиталари билан биргаликда **Чақирувчилар кунини** ўтказмоқ лозим. Унга уруш, меҳнат, Қуролли Кучлар фахрийларини, ота-оналарини, жамоатчиликни ҳарбий қисм жойлашган жойдаги бўлинма шахсий таркибини жалб этмоқ зарур.

**2. Айнан қисм, бўлинмада** Қуролли Кучлар сафидан аскарларни захирага бўшатиш, ёш аскарларни қабул қилиб олиш ва сафга қўшиш ташкилотчилик ҳамда тарбиявий тадбирлар режасини ишлаб чиқмоқ керак. **Ёш аскарни қабул қилиш ва сафга қўшиш маъмуриятини** тайёргарлиги зўр ва интизомли офицерлар, шартнома бўйича хизматчилар ва мажбурий хизмат сержантлари таркибидан тайинлаш лозим.

**3. Ёш аскарлар йиғини фаолларини танлаб олиб, ўқитиш ва жой-жойига қўймоқ даркор.** Ҳарбий жамоа кенгаши, деворий газета таҳририяти, ижтимоий-сиёсий ахборот хонаси кенгаши шулар жумласидандир.

**4. Ёш аскарлар ва ўқув юртларидан мутахассислар келишига қараб** айнан бўлинмада уларнинг қабулини ўтказиш жоиз. Уларни ўрганиб, штат лавозимларига тайинламоқ керак. Бунда ёзги ўқув мавсумида жанговар тайёргарликни сифатли ўтказиш ҳисобга олинмоғи керак.

**Бўлинмага янги келганларни тақсимлаш Ички хизмат Низомининг 7-иловасида ёритилган.**

**5. Янги келганлар маншй жиҳатдан қулай шарт-шароит яратилган алоҳида ҳамда яхши жиҳозланган казармаларга жойлаштирилади. Ёш аскарларни** овқатлантиришга алоҳида эътибор бермоқ лозим. **Бу масалани қаттиқ ва мунтазам назоратга олмоқ шарт.**

Ёш аскарларни ўрганишда салбий диний таъсирларга берилувчи, шунингдек асабий ва бошқа нуқсонлари борларга алоҳида эътибор қаратмоқ керак.

**Ўқитиш масалалари.** Йиғинда машғулотлар ёш аскарларни бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва умумқўшин тайёргарлиги тегишли дастурига мувофиқ ўтказилади.

Командирлар, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлар, ҳамма офицерлар ва сержантлар барча диққат-эътиборини ҳар бир янги келган аскар ҳарбий хизмат нафақат маълум билим, кўникмаларни, шу билан бирга астойдил ҳаракатни, жисмоний ва маънавий кучни аста-секин ошириб боришни, юқори профессионализм ва Умумҳарбий Низомлар талабларига қатъий риоя этишни, уюшқоқлик ва тартибни тақозо этишига қаратиши лозим. Буларсиз ўқув ва жанговар фаолиятда юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Шуни яхши англамоқ керакки, юксак жанговар шайлик халқнинг тинч ва фаровон ҳаёти демакдир.

**Тарбиявий масалалар.** Янги келган аскарларни тарбиялаш ҳарбий хизматдаги илк қадамидан бошлаб қисмнинг умумий вазифалари ва тарбиявий ишлари мақсадларига йўналтирилган бўлмоғи лозим.

**Биринчи.** Бу—ёш аскарларнинг мустақиллик миллий мафкураси ва миллий ғоя, ўз она заминига, халқига, Ватанига, Президентига муқаббат ва садоқат, ўз жонини ҳам аямай мустақил Ватанини, унинг ҳудудий яхлитлигини, халқнинг тинчлиги барқарорлиги ва фаровонлигини ҳимоя қилишга шайлигидир.

**Иккинчи.** Бу — янги келган аскарларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари, мамлакат Президенти Фармонлари, ҳукумат қарорлари, Мудофаа вазирининг буйруқлари, Умумҳарбий Низомлар, ҳарбий Қасамёд талабларига, командир ва бошлиқларнинг буйруқларини бажаришга юксак масъулият билан ёндашмоқликни шакллантирмоқдир. Ёш аскарларга аҳлоқ нормаларига қатъий риоя этмоқликни, ҳамжиҳатлик ҳиссини, ўзаро кўмакдош бўлмоқликни таркиб топтирмоқ керак. Жанговар дўстликни мустаҳкамлаш лозим. Юксак ижрочи ва интизомли бўлмоқлик шарт. Доимий равишда ўз ҳарбий ва профессионал, ижтимоий-сиёсий билимларни оширмоқлик устида мунтазам ишламоқлик керак.

Командирлар, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлар, ёш аскарларни қабул қилиш ва сафга қўшиш маъмурияти аъзолари тарбиявий ишларнинг ўлкан тажрибасига эга, тарбиянинг турли-туман форма ва услубларидан тенг фойдаланишади, бироқ шундай бўлсада **янги келган аскарларнинг ҳар бири билан индивидуал ишлашга** алоҳида урғу беришади.

Ана шу мақсадда Умумҳарбий Низомлар, ҳарбий Қасамёд, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси ҳарбий жиноятлари учун жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалари, ҳарбий хизматчи содир этган жиноятига мувофиқ суд қилинганида Мудофаа вазирининг буйруғини ўқиб ўрганиш, тушунтириш амалга оширилади. Шунингдек, ёш аскарлар техника хавфсизлиги қоидалари билан таништирилади.

Ёш аскарлар йиғини маҳали ҳарбий жамоада соғлом муҳит яратиш учун қисм ва бўлинмаларда ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини барча ҳарбий хизматчиларда ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва ҳарбий тарбияни кучайтириш талаб этилади. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор қаратмоқ лозим:

**1. Ёш аскарларни қабул қилиш ва жангчиларни захирага бўшатишни бўлинма ҳарбий хизматчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилиш.** Йўл қўйилган камчиликларга, бўлинмада ҳарбий хизматчилар ўртасидаги низомга зид муносабатларни бартараф этишга алоҳида эътибор бермоқ керак.

**2. Ёш аскар билан** посбон сифатида шаклланиши, касбий маҳорати ошиши бўйича доимий тушунтириш ишлари олиб бориб, уларнинг ҳарбий жамоага мослашуви учун муайян ижтимоий-руҳий шароитларни таъминлаш.

**3. Аскар ва муддатли хизмат сержантлари** билан ҳушёрлик ва жанговар шайликни ошириш, жанговар машғулотлардаги вазифаларни сифатли бажариш, бўлинмада тартиб ва уюшқоқликни, ҳарбий фаолиятнинг барча соҳаларида аниқлик, масъулиятлиликни ошириш мақсадида иш олиб бормоқ лозим.

**4. Бўлинманинг фаол аъзолари бўлган жангчиларнинг** ҳарбий бурчни бажаришда шахсий намуна кўрсатишига, мусобақаларда фаол қатнашишига, ёш аскарларга илғор тажрибаларни ўргатишига эътибор қаратиш керак.

**5. Сержантлар — бўлинма командирлари** билан ишлаганда, уларда бўлинма олдида турган вазифага масъулият билан ёндашув, хизмат ва бурчни намунали бажариш туйғуси шаклланишига саъй-ҳаракатни йўналтириш лозим.

**6. Ёш аскарларни қабул қилиш бўйича маъмурият** офицер ва сержантларни танлаганда уларнинг касбий етуклигининг муҳим кўрсаткичи бўлган ишнинг кўзини билиши, инсонийлиги, шахсий намуна кўрсатиши ва касбий маҳоратига эътибор қаратиш зарур.

Ёш аскарларни қабул қилиш барча шахсий таркиб олдига алоҳида мажбуриятлар қўяди. Муҳими — у Қуролли Кучлар жангчиси ғурури ва орига доғ туширмайдиган иш қилиши, армия обрўсини ошириши, унинг мамлакат ва минтақа тинчлигининг, барқарорлигининг кафолати бўлишдек юксак мавқеини янада юксалтириши.

## II

Ҳақиқий ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни кузатиш Қуролли Кучлар ҳаётида улкан ташкилий-сиёсий тадбир. **Ҳар бир ҳарбий қисм ҳаётида муҳим саналадиган мазкур воқеага Мудофаа вазирининг асосий талаблари қанақа?**

**1. Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаб бўлган жангчиларни захирага бўшатишни** қатъий белгиланган муддатда ўтказиш керак.

**2. Захирага бўшаётган ҳарбий хизматчиларни кузатиш тантанали тарзда бўлиши лозим.** Ижтимоий-сиёсий ва жанговар хизматда намуна кўрсатганларни, энг яхши мутахассис, спортчи, фаолларни рағбатлантиришни ташкил этиш керак. Қисмнинг барча шахсий таркиби, маҳаллий ҳокимлик, жамоат ташкилотлари, «Камолот», «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, ҳарбий хизматчилар ота-оналари иштирокида тантанали тадбир ўтказишни таъминлаш лозим.

**3. Шуни ёдда тутингки, тажриба захирага кетмайди. Илғор, айниқса, захирага бўшаётган жангчининг жанговар тажрибасини кенг тарғибот қилиш тавсия этилади.** Буни суҳбатларда, кўргазмали ахборотларда, деворий газета, маҳаллий радиоэшиттиришларда ва «Ватанпарвар» газетасида оммавийлаштириш мумкин.

**4. Бу масъулиятли даврда асосий эътиборни захирага бўшаётган жанговар машғулотлар илғорлари бўлган жангчилар билан ёш аскарларнинг суҳбатига, турли авлод вакиллари билан учрашувларига** қаратингки, бунда ёш аскарда ҳарбий маҳоратга эришиш ўз-ўзидан бўлмаслиги хусусида тасаввур уйғонсин. Бу эса жангчининг хизматга юксак масъулият билан қарашига, вазифаси, мажбуриятларини қатъият билан бажаришига, кундалик қатъиятли меҳнат, бажарувчанлик ва интизомлликка олиб келади. **Виждонан ёндашилган жанговар машғулот, намунали ҳарбий хизмат — ҳарбий маҳорат ва профессионалликка элтувчи ягона йўл.**

Муддатли ҳарбий хизматни англаши ҳар бир ҳарбий хизматчининг илк қадамлариданоқ акс этиши лозим. Кейин эса унда **ҳарбий хизмат жангчининг гармоник равишда интеллектуал, ҳарбий-профессионал, маънавий-руҳий ва жисмоний шаклланиш жойи эканлиги тушунчаси мустаҳкамланади.** Демак, жангчи ҳарбий хизматга бор кучи, билими, қалбини беради. Бу кўпдан-кўп ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, бугун захирага бўшаётганлар тажрибаси билан исботланган.

**Захирага бўшаётган ҳарбий хизматчиларни кузатиш тартиби Қуролли Кучлар Ички хизмат низомида, 10-иловада тўла ёритилган.**

Ҳаётнинг буюк донишмандлиги ҳуқуқ мажбуриятсиз, мажбурият ҳуқуқсиз мавжуд бўла олмаслигида мужассам. Буни барча — аскардан генералгача бажармоғи шарт. Буни, айниқса, ёш аскар тушуниши муҳим. Ҳарбий хизматчи юксак ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ва қонунга итоаткорлиги билан ажралиб туриши керак. Бунга хизматининг биринчи кунлариданоқ одатланиши лозим. У қонун ва ҳарбий низомларни ўлиши, тушуниши, уларга қатъий риоя қилиши керак. Жангчи ҳуқуқий меъёрлар билан қанчалар таниш бўлса, шунча яхши тарбияланади, ҳуқуқий меъёрларни бажариш заруратини қанчалар чуқур англаса, қонун ва низом талабларига риоя қилса, ўз ҳарбий бурчини шунчалар муваффақиятли бажаради.

**Ёш аскар қўлида мамлакат, халқ мудофааси ва хавфсизлиги, бугуни ва келажаги турганини англаши муҳим.** Бу эзгу ишга — мамлакат хавфсизлиги ишига ҳарбий хизмат давомида ўзни тўла бағишлаш даркор. Шуни доимо эсда тутинг: **ҳар бир ҳарбий хизматчининг кундалик фаолияти қонуни ҳушёрлик, доимий жанговар шайлик, низом талабларига бўйсуниш ва уюшқоқлик бўлмоғи лозим.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.**

---

● 1—31 МАРТА — МЕСЯЧНИК БЕЗОПАСНОСТИ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

## ГЛАВНЫЙ ЭКЗАМЕН ВПЕРЕДИ

За плечами заместителя командира группы младшего сержанта Музаффара Нарзуллаева не одна тысяча километров армейских дорог. Он — военный водитель.

Водительские права получил еще до службы в армии в ОСО «Ватанпарвар», и когда пришла повестка явиться в районный отдел по делам обороны, попросился в автомобильное подразделение. С того времени прошло больше года. Этой весной Музаффар увольняется в запас. Трудно будет ему расставаться со своим «Уралом».

Проходящий в Вооруженных Силах месячник безопасности дорожного движения для младшего командира не первый в его службе. Менее опытным сослуживцам рядовым Б. Авезову, А. Джураеву и Б. Усмоналиеву он охотно дает советы из личной практики по эксплуатации, техническому обслуживанию машин, по изучению правил дорожного движения.

По отзывам командира группы лейтенанта Р. Аширбекова, младший сержант Нарзуллаев — один из лучших младших командиров подразделения. Не зря ему доверили в этом периоде обучения помочь новичкам на сборах доподготовки водителей в овладении секретами водительского мастерства. Сейчас в ходе месячника БДД он готовит подчиненных к предстоящему многокилометровому маршу. И делает это успешно. Его подопечные показывают хорошие знания и умения при сдаче предварительных зачетов. Но главный экзамен — впереди.

Младший лейтенант Х. МИРЗАЕВ, корр. «Ватанпарвара».

Жанговар техникани синов машғулотларига шай қилиб қўйиш бугуннинг долзарб вазифаларидан.

Суратда: лейтенант М. Калимулин сержант Ф. Назаров билан шу хусусда гаплашмоқда. Н. ЮСУПОВ суратга олган.

---

# ПОЛИГОН — МАҲОРАТ МАЙДОНИ

Қишки ўқув мавсумининг дастлабки икки ойи оддий аскар Фарруҳ Шерматов учун тажриба орттиришда муҳим давр бўлганини таъкидламоқ жоиз. Ахир, роппа-роса икки ой давомида механик-ҳайдовчи посбон полигонда бўлди-да. Табиийки, полигон деганда асосан дала-ўқув машғулотлари кўз олдимизга келади.

Мазкур вазифага тайинлангач, унинг ўзига хос жиҳатлари билан таништирилди. Посбонга жанговар техника бириктирилди. У жанговар техникадан кундалик фойдаланиш талабларини, нарядлар тайёрлашни, йўналишига соз ҳолатда чиқишини ва белгиланган вақтда паркка қайтиши кабиларни назарий жиҳатдан ўрганди. Бу қисмда ўтказилган назарий машғулотлар эди.

Полигонда эса моҳир ҳайдовчи посбонлар, кичик командир ва офицерлар Фарруҳда амалий кўникмаларни шакллантиришди. Аввало, посбон жанговар техникани бошқаришни яхшилаб ўрганди. Ҳар хил тезликда, тўсиқлар оралаб юриш машқларида жанговар техника жиловини қўлига ола билди. Айниқса, амалий машғулотларда шартнома бўйича хизмат катта сержанти Шуҳрат Тоштемиров унга соҳа сир-асрорларини астойдил ўргатди. Хуллас, полигонда орттирилган тажриба, маҳорат бугун ўз сўзини айтмоқда. Мусобақа бўйича олган мажбуриятини уддалаб келаётгани ҳам шундан далолат. Посбон билан суҳбатлашиб туриб, ундан Наврўз байрамига ҳозирлик хусусида сўрайман.

— Бу умумхалқ байрамини биринчи бора ҳарбий хизматда кутиб олаяпман. Очиғи, бу қутлуғ айёмни ҳарбийларнинг қандай нишонлаши ҳақида эшитганман, ўқиганман, телевизорда кўрганман. Бироқ, бевосита ўзинг иштирок этганинг бўлакча экан. Дивизионимизнинг чор тарафини тартибга келтирдик, ободонлаштириш ишларини амалга оширдик, кўчатлар экдик. Биз учун бу ишлар шунчалик мароқли, гаштли бўлди-ки, уни ифодалашга ҳам сўз тополмайман. Тўғриси, ер чопиш, ағдаришни соғинib қолган эканман. Сафдошларим бўлди деса ҳам ишлайверибман. Байрам муносабати билан ўтказиладиган ҳашарда ҳам бир қатор юмушларни амалга оширишни режалаб қўйганмиз.

Яна бир гап. Тарбиячи офицерларимиз биз билан «Наврўз—янгиланиш, тинчлик ва меҳнат байрами. Ўзбекистон халқи қаҳрамонона анъаналарига содиқ бўлиш — ҳар бир жангчининг бурчидир» мавзуида ижтимоий-сиёсий билимлар ягона кунини ўтказишди. Машғулот давомида бу кўҳна байрамимиз ҳақида шу қадар кўп маълумотлар берилди-ки, уларнинг айримларини илгари ҳатто эшитмагандим.

Байрам куни қисмимизда катта тантана бўларкан. Мен ундаги спорт мусобақаларида қатнашмоқчиман. Ишқилиб, Наврўз яқинлашган сари унга интиқлигимиз ортмоқда,— дейди оддий аскар Фарруҳ Шерматов.

Байрамни муносиб кутиб олишга интилаётган посбонлар ичида Фарруҳнинг сафдошлари, дўстлари бўлган оддий аскар — Фарҳод Ҳасанов, Умар Мирзаев, Ботир Азимовлар ҳам бор. Эътиборимни тортган нарса мазкур жамоадаги аҳиллик, уюшқоқлик бўлди. Илғорликнинг муҳим омили ҳам ана шунда, деган хулосага келаман.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

Азиз Шожонов ва Миролим Ҳолиқовлар муддатли ҳарбий хизматгача ҳам ўзаро дўст эдилар. Йигитлик мактаби улардаги дўстлик риштасини янада мустаҳкамламоқда. Икки дўст армиягача мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳайдовчилар тайёрлаш мактабида ўқишганди. Бугун иккаласи ҳам танк командири вазифасида. Буни қарангки, ҳатто уларнинг унвонлари ҳам бир хил — кичик сержант.

Қишки ўқув мавсумининг синов машғулотларидан олдин уларнинг ютуқларини таҳлил қиладиган бўлсак, кичик сержант А. Шожонов ва М. Ҳолиқовлар жамоа етакчиларидан эканлиги аён бўлади.

Суратда: кичик сержант М. Ҳолиқов (юқорида) ва кичик сержант А. Шожоновлар жанговар техникани мавсум тайёргарликларига шайлашмоқда.

Н. ЮСУПОВ суратга олган.

---

## Виждонан ёндашмасак

Дастлаб Чирчиқда бурчимни ўтай бошладим. Соҳа сир-асрорлари билан яқиндан танишиб, тажрибали офицерлардан, кичик командирлардан сабоқ олдим. Ҳозирда Қарши гарнизонида механик вазифасида хизматни ўтамоқдаман. Яқинда мавсумнинг синов машғулотлари бўлади. Жанговар техникани кўрикдан ўтказиш, зарур бўлса, таъмирлаш, шай ҳолга келтириш биз механик посбонлар олдига улкан масъулият қўяди. Агар биз вазифамизга виждонан ёндашмасак, эртага жамоамиз кўзланган маррани эгаллай олмайди. Жанговар шайлигимиз даражасига путур етади.

Ҳадемай сафларимизга ёш аскарлар ҳам келиб кўшилади. Бўлинмамиз командири менга ҳам ёш аскарларни бириктирмоқчи. Демак, муайян кўникма, тажрибам бордир-да. Менга ҳам тажрибали аскарлар соҳа илмидан сабоқ беришган. Мана энди бу анъанани давом эттираяпмиз.

Пировардида яқинлашиб келаётган Наврўзи олам билан сафдошларимни табрикламоқчиман.

Оддий аскар Ж. УРОЛОВ.

---

Военно-политические новости

### В РАЙОН БОЕВЫХ ДЕЙСТВИЙ

Вооруженный отряд из 500 человек при поддержке танков выдвинулся в район боевых действий к Шахи-Коту (восток Афганистана). Войска вышли в понедельник утром и на данный момент продвинулись на 20 км к Гардезу, где ведутся основные бои с талибами. Как ожидается, они присоединятся к отрядам местных командиров. По словам представителя афганского командования Мохаммада Назима, приказ о передислокации войск и переброске в район города Зурмат дополнительных подразделений был отдан главой Минобороны страны. «Мы должны выбить остатки боевиков «Аль-Каиды» из Шахи-Кота», — заявил командир отряда Мохаммад Назим.

### ИСПОЛЬЗОВАТЬ СОВМЕСТНО

Россия передала предложение Вьетнаму изучить возможность совместного использования базы в Камрани мирным способом. Об этом сообщил в среду министр иностранных дел России Игорь Иванов, выступая в Госдуме в рамках «правительственного часа».

Он напомнил, что вопрос о соглашении об использовании военной базы в Камрани российским ВМФ был поднят в 1978 году и срок действия его истекал в 2004 году. Однако, по словам Иванова, в ходе его визита в феврале во Вьетнам вьетнамское руководство поставило российскую сторону в известность о том, чтобы Россия компенсировала финансовое использование этой базы.

### ПОРА И ДОМОЙ

Более 2,3 млн. афганских беженцев будут в самое ближайшее время отправлены из Ирана на родину. По мнению иранских властей, в Афганистане создалась достаточно стабильная ситуация, позволяющая людям вернуться в свои дома.

Согласно официальным данным, первые афганские беженцы прибыли в Иран еще в 1979 году, причем многие за 20 лет так и не покинули страну. Однако, как заявил Ахмад Хуссейни, представитель департамента МВД по делам беженцев, «пришло время вернуться; многие афганцы овладели профессией, поэтому они, как никто другой, будут полезны в Афганистане, в ситуации, когда необходимо восстанавливать разрушенную страну». Хуссейни также заявил, что, по предварительным подсчетам, в Иране проживают примерно 2,5 млн. беженцев, причем 2,36 млн. из них афганцы, 203 тыс. — иракцы, 5,5 тыс. — граждане других стран.

Как ожидается, все афганцы будут отправлены на родину в течение ближайших двух лет.

### ЗАДЕРЖАН ТУНИСЕЦ

Бельгийские власти задержали человека, причастного к убийству в сентябре 2001 года афганского полевого командира Ахмад Шаха Масуда. Задержанным является 43-летний тунисец Амор бен Мохаммед Слити, получивший некоторое время назад бельгийское подданство. Слити был задержан после своего возвращения из Ирана по подозрению в том, что он участвовал в боях в Афганистане на стороне талибов. Полиция заподозрила, что Слити в свое время был причастен к похищению из бельгийского консульства в Голландии паспортов, которые затем использовали убийцы лидера афганской оппозиции.

### САМЫЕ ВЫСОКООПЛАЧИВАЕМЫЕ БЮДЖЕТНИКИ?

Министр обороны Сергей Иванов оценивает состояние российских вооруженных сил как достаточно тяжелое и указывает на необходимость повышать престиж военной службы. Об этом он заявил журналистам во время посещения 138-й отдельной гвардейской мотострелковой бригады ЛенВО.

«Надо восстанавливать моральный престиж военной службы, и определенные шаги в этом направлении уже сделаны», — заявил министр, напомнив о повышении с 1 июля денежного довольствия военнослужащим. По мнению Иванова, в силу специфики своей службы военные должны получать на 25—30% больше, чем гражданские служащие, передает ИТАР—ТАСС.

(По материалам печати).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИ

## Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти 1918 йил 12 июлда ташкил топган. Тошкент ОУҚБЮ тарихи Ўзбекистон тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Билим юрти шонли жанговар ўтмишга. Қуролли Кучлар учун юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлашда бой анъаналарга ва юксак хизматларга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритиши ТОУҚБЮ тарихида ҳам янги саҳифа очди. Билим юрти кўп соҳали ўқув даргоҳига айлантирилди. ТОУҚБЮ барча талабларга жавоб берувчи ётоқхоналарга, ўқув биноларига, яхши жиҳозланган ўқув синфлари ва аудиторияларга, лаборатория ва устахоналарга, энг замонавий жанговар техника ҳамда қуроллар асосида қурилган далаўқув марказига эга.

Билим юртида бир неча спорт иншоотлари, клуб, кутубхона, яхши йўлга қўйилган маиший хизмат кўрсатиш тизими ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчилари, уларнинг оила аъзоларига хизмат қилмоқда.

Вақт ва давр талаблари қўмондонликдан таълим-тарбия жараёнини қайта кўриб чиқишни ва уни янги сифат даражасига кўтаришни тақозо этди. Малакали офицерлар, профессор-ўқитувчилар бу жараёнга жалб

қилинди. Улар ўз меҳнатлари билан мустақил Ўзбекистон ҳимоячиларини тайёрлаш ишига муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Олий ҳарбий ўқув юртининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— ҳозирги давр талабларига жавоб берувчи юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш;

— таълим олувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий, касбий хислатларни шакллантириш;

— мамлакат мудофаа қобилиятини ошириш ва ҳарбий кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш.

Ҳозирги кунда билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича олий ҳарбий-махсус маълумотли офицерларни тайёрлайди:

— мотоўқчи офицерлар;

— мотоўқчи қўшинлар тактик қўмондонлиги;

— мотоўқчи қўшинлар тарбиячи офицерлари;

— қўшин разведкаси тактик қўмондонлиги;

— муҳандис-қурувчилик бўлинмалари қўмондонлиги;

— муҳандис-қурувчилик бўлинмалари тарбиячи офицерлари.

## Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти 1918 йил 16 ноябрда ташкил топган.

Мустақил давлатимиз буюк ўзгаришлар ва ривожланиш йўлидан илдам одимлаб бораётган бир даврда, Қуролли Кучларимизда ҳам Ватанимиз тинчлиги, она халқимиз фаровонлиги ва тинч, осойишта ҳаётини қўриқлашдек масъулиятли вазифани тўла-тўкис бажара оладиган, замонавий қурол-аслаҳа ва техника, етук, юқори малакага эга бўлган кадрлар билан таъминланган армияни барпо этишдек вазифани бажариш ишлари илдам амалга оширилмоқда. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам бу борада сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бугунги кунда билим юртидаги ўқув жараёнини ҳозирги замон талабларига мос равишда ташкил этиш, ҳозирги замон жанговар ҳаракатлар олиб бориш тактик усулларини ўқув жараёнига татбиқ этиш, ёшларни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ота-боболаримиз илмий ва ҳарбий анъаналарини ўрганиш ва бошқа вазифаларни изчил ҳаётга татбиқ этиш ишлари давом этмоқда.

Билим юрти тарихи Қуролли Кучлар тузилиши, ҳарбий кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш тизими ривожланиши билан узлуксиз боғлиқ.

Билим юрти босиб ўтган шонли жанговар йўли ва анъаналари бўлажак офицерларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда юқори маънавий фазилатларни шакллантириш, қўлда қурол билан ўз Ватанини ҳимоя қилувчи посбонларни тайёрлаш мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучларининг жанговар қудратини доимо ошириш учун тугамас манба бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида билим юрти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаб чиқармоқда ва шу билан давлатимиз мудофаа қудратини оширишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Ватанга садоқат руҳида, халқимизнинг бой маънавий ва тарихий анъаналари асосида тарбияланган билим юртини битириб чиққан офицерлар ота-боболаримиз шон-шуҳрати ва анъаналарини эъзозлаб сақламоқдалар ва уларни кўпайтириш йўлида тинмай меҳнат қилишмоқда.

1993 йил 26 мартдан

бошлаб билим юрти Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти деб қайта номланди ва қуйидаги ихтисосликлар бўйича олий махсус-ҳарбий маълумотли офицерларни тайёрлашга киришди:

— танк қўшинлари командирлари;

— ҳаво-десант қўшинлари командирлари;

— ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари командирлари;

— техникани тиклаш ва ишлатиш бўйича муҳандислар;

— тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосарлари.

## Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти 1969 йил 20 ноябрда ташкил топган.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида офицер кадрларни тайёрлашда таълим-тарбиянинг янги принципиал услубларини, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий қилган, миллий мафкурамизнинг асосий тамойилларига таянган ҳолда 16 та кафедра ва артиллерия факультети жамоаси фаол қатнашиб келмоқдалар.

Ҳарбий билим юрти қошида махсус ўқув майдонлари мавжуд бўлиб, ёшларнинг олган назарий билимлари асосида амалий машғулотлар ўтказилади.

Бу ўқув майдонлари махсус ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Ва ҳар бир курсант олинган назарий билимини синаши учун барча шароитлар муҳайё.

Ҳарбий ўқув машқлар майдони бугунги ҳарбий машқларга қўйиладиган талаблар даражасида жиҳозланган бўлиб, билим юрти курсантлари дала машқларида ундан юқори савияда самарали фойдаланишлари учун барча шароитлар мавжуд. Бу ўқув майдонларида ихтисосликлар бўйича ҳам, умумий йўналишлар бўйича ҳам махсус жойлар тайёрланган бўлиб, курсантлар ҳарбий малакаларини эгаллашлари учун улардан кенг фойдаланиб келмоқдалар.

Курсантларнинг мустақил таълим олишлари учун ҳам етарли шароит яратилган бўлиб, кутубхона махсус адабиётлар, илмий-услубий қўлланмалар ва янги адабиётлар билан таъминланган. Бу барча имтиёзлар таълим-тарбия жараёнига ижобий таъсир этиб, ўзлаштириш кўрсаткичи юқори бўлмоқда.

Ўқув жараёни назарий ва амалий тайёргарликлардан ташкил топиб, босқичма-босқич амалга оширилади. Ҳозирги пайтда билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича олий ҳарбий-махсус маълумотли офицерларни тайёрлайди:

— автомобиль бўлинмалари командирлари;

— автомобиль техникаларининг эксплуатацияси ва таъмирланиши бўйича командир ўринбосарлари;

— сапёр-муҳандислик бўлинмалари командирлари;

— таъминот ишлари бўйича офицер мутахассислар;

— тарбиявий ишлар бўйича ҳамда маданий-оқартув ишлари бўйича офицерлар;

— артиллерия бўлинмалари командирлари.

## Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрти

Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги № 145—22 сонли қарорига мувофиқ Президент И. Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига ҳарбий учувчилар ва авиация-муҳандислик мутахассислари тайёрлаш мақсадида ташкил этилди. Билим юртида олий ҳарбий-махсус маълумотга эга офицерлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, ҳарбий илмий ишлар амалга оширилади.

1997 йилда Ўзбекистон Қуролли Кучлари учун учувчи офицерларнинг биринчи битируви бўлиб ўтди. Ҳозирги кунда билим юрти Ўзбекистон халқига ўзининг илмга, ўз касбини эгаллашга чанқоқлиги, юксак малака ҳамда интизомлилиги билан ажралиб турувчи ҳаво сарҳадларининг ҳимоячиларини етиштириб бермоқда. Ҳозирда билим юртини тамомлаган ёш малакали офицерлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ҳарбий Ҳаво Кучларида ўзларининг самарали хизматлари билан муҳим ўрин тутадилар.

Қўшинларни тайёрлашга бўлган янгича талаблар жангчи авиаторларни ишониб топширилган иш участкаларида юқори унум билан меҳнат қилишларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий Ҳаво Кучларининг жанговар шайлигини юксак даражада тутишларини тақозо этаётир.

Ҳарбий Ҳаво Кучлари самарали қурол-аслаҳалар, навигация воситалари, радиоэлектрон жиҳозлар билан таъминланган замонавий самолётлар, вертолётларга эга бўлиб, улар об-ҳавонинг ҳар қандай шароитларида, кун ёки тундан қатъи назар, турлича баландликларда жанговар вазифаларни бажаришга қодирлар.

Курсантларнинг таълим олиш жараёни назарий ва учиш тайёргарликларидан иборат бўлиб, улар босқичма-босқич амалга оширилади.

Учиш тайёргарликлари учувчи-инструкторлар билан назорат парвозларини бажариш ва мустақил парвозлардан иборат. Учиш тайёргарлигини ўтиш Ҳарбий Ҳаво Кучлари авиация ҳарбий қисмларида ташкиллаштирилган.

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича офицерлар тайёрлайди:

— самолёт ва вертолётларнинг учувчи-муҳандиси;

— шахсий таркиб билан ишлаш бўйича офицер;

— штурман ва жанговар бошқарув офицери;

— самолёт ва вертолёт двигателлари бўйича техник;

— авиация ва радиоэлектрон жиҳозлар ҳамда авиация қуроллари бўйича техник.



## Тошкент электротехника-алоқа институтининг махсус факультети

Тошкент электротехника-алоқа институтининг махсус факультети 1993 йил Вазирлар Маҳкамасининг 13 майдаги 222-13 сонли Фармойишига биноан ташкил топган. Махсус факультет 1994 йилдан бошлаб Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси қўшинларига ҳарбий алоқачиларни ва ҳаво ҳужумидан ҳимоя йўналиши бўйича радиотехника воситаларини эксплуатация қилиш муҳандисларини тайёрлаб бермоқда.

Махсус факультет юқори малакали радио мутахассислари, космик, тропосфера ва махсус алоқа бўйича, ҳарбий муассасалар ўқитувчилари ва алоқа қўшини офицерларининг малакасини ошириш, компьютер ҳисоблаш техникалари ёрдамида таълимнинг интенсив усулларини жорий қилиш, янги алоқа тизимини қўллаш йўли билан аудиовизуал таълим воситасини жорий этишни амалга оширади.

Махсус факультетда тингловчилар (курсантлар)нинг таълим жараёни назарий, махсус тактик, ҳарбий-махсус тайёргарликлар, дала комплекс машғулотлари, қўшинга оид стажировкалар, ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиёт ва диплом лойиҳаси ҳимоясини ўз ичига олади.

Махсус факультет профессор-ўқитувчиларининг илмий савия ва тажрибаларини инобатга олган ҳолда, ҳамда техник базанинг ривожланиши асосида ва янги технологиянинг шиддат билан кириб келаётганини инобатга олиб, келажакда янги мутахассисликлар тайёрлаш бўйича амалий ишларни режалаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда махсус факультетда еттита кафедра ташкил қилинган бўлиб, уларда қуйидаги йўналишлар бўйича ҳарбий мутахассислар тайёрланмоқда:

— радио ва коинот алоқа муҳандиси;

— симли радиорелей тропосфера алоқа муҳандиси;

— қўшинларни автоматлаштирилган бошқариш тизимлари муҳандиси;

— радио ва радиотехника разведкачилари ва радиоэлектрон кураш муҳандислари;

— ҳаво ҳужумидан ҳимоя мутахассисликлари бўйича радиоэлектрон воситаларни эксплуатация қилиш муҳандислари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ

Ҳарбий билим юртларида ўқиш истагини билдирган, тугалланган ўрта маълумотли, қабул шартлари ҳамда касбга лаёқатлилик танловининг барча талабларига жавоб берадиган, юксак ахлоқий ва ишчан сифатларга эга Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари қабул қилинади:

— ёши 23 дан ошмаган, ўзининг касбий мутахассислиги ва хизмат муддатидан қатъи назар муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар, заҳирага бўшатилган ҳарбий хизматга мажбур шахслар;

— кириш йилининг 1 сентябрига қадар 17 ёшга тўладиган, лекин 21 ёшдан ошмаган фуқаро ёшлар, ҳарбий касбга йўналтирувчи ўқув масканларининг битирувчилари;

— ҳарбий ўқув масканига ўқишга кириш истагини билдирган муддатли хизматчилар.

Мазкур шахслар ўқишга кириш йилининг 1 апрелигача қоида бўйича қисм командири номига рапорт ёзадилар. Рапортда ҳарбий унвони, фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими, туғилган йили ва ойи, маълумоти, ҳарбий хизматчи киришни хоҳлаган ҳарбий ўқув масканининг номланиши кўрсатилади. Рапортга ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатлар нусхаси (аттестати, дипломи), учта фотосурати (бош кийимсиз, 4,5х6 ўлчовда), таржимаи ҳоли, тавсифнома, хизмат варақаси илова қилинади.

Маълумоти ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси ҳарбий хизматчи томонидан ҳарбий ўқув масканига келгач кўрсатилади.

Ҳарбий ўқув масканига ўқишга кириш истагини билдирган фуқаро ёшлар ўқишга кириш йилининг 1 майигача яшаш жойидаги туман ёки шаҳар мудофаа ишлари бўлимига ариза берадилар.

Аризада фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили ва ойи, турар жойининг манзилгоҳи, абитуриент киришни хоҳлаган ҳарбий ўқув масканининг номланиши кўрсатилади. Аризага таржимаи ҳоли, иш ҳоли, иш ёки ўқиш жойидан тавсифнома, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси (ўрта мактаб ўқувчилари ўзлаштируви ҳақидаги маълумотнома), учта фотосурат (бош кийимсиз, 4,5х6 см ўлчовда) илова қилинади.

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома ҳамда ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси номзод томонидан ҳарбий ўқув масканининг қабул комиссиясига билим юртига келгач кўрсатилади.

Билим юртига кириш учун номзодларнинг ҳужжатлари фақат вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг масъул шахслари томонидан қабул ҳайъати олиб келиб топширилган тақдирдагина, қабул ҳайъати масъул котиби ҳужжатларни ўрганиш ва номзодларни синовларга қўйиш ёки қўймаслик тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳужжатларни қабул қилади. Қабул ҳайъати ҳужжатларни ўрганиб чиққач, қайси номзодга синовларда қатнашишга рухсат этиш ва кимларга рухсат этмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

Касбга лаёқатлилик танлови учун номзодларнинг келиш вақти ва жойини билим юрти бошлиғи мудофаа ишлари бошқармалари ҳамда командирлар орқали хабар қилади, улар номзодларни бепул йўлкира ҳужжатлар билан таъминлайдилар. Кириш имтиҳонларидан ўта олмаган шахслар яшаш ёки хизмат жойига қайтиши учун бепул йўлкира ҳужжатлар билан таъминланадилар.

Билим юртига келган абитуриентлар бепул озиқ-овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар. Ҳарбий хизматчи номзодлар кийим-кечак аттестациясига мувофиқ ҳарбий либосларини, озиқ-овқат, кийим-кечак ва пул аттестатларини олиб келишлари керак.

Билим юртига қабул шартларининг тўлиқ матни билан ҳар бир номзод турар жойидаги туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларида ёки вилоят мудофаа ишлари бошқармаларида танишишлари мумкин ва ушбу ташкилотлардаги масъул шахслар ёрдамида билим юртига кириш учун керакли ҳужжатлар рўйхатини олиб, уларни тайёрлашлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий ўқув масканларига ўқишга кириш йилининг 10 июнига қадар ҳужжатлар қабул қилинади.

Билим юртига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий ўқув юртларига абитуриентларни қабул қилиш режаси асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг буйруғи билан тайинланган қабул ҳайъати номзодларни саралаш, уларнинг жамоат ишларидаги фаоллиги, маънавий-ахлоқий сифатлари, соғлиғининг аҳволи, умумжисмоний ва касбий тайёргарлигини инобатга олган ҳолда тест синовларининг натижалари асосида номзодларни билим юртига қабул қилади.

Кириш имтиҳонлари бошлангунга қадар номзодлар билим юртида тиббий кўрикдан ўтадилар. Соғлиғида камчилик борлиги туфайли тиббий кўрикдан ўта олмаган шахслар имтиҳонларни топширишга қўйилмайдилар.

Билим юртига кирувчиларнинг барчаси умумий жисмоний тайёргарлик, чидамлилик, чаққонлик (3 км кросс, 100 м югуриш, турникда тортилиш) ҳамда касбий-руҳий танловнинг махсус услубиятлари бўйича имтиҳон топширадилар. Ҳарбий касб талабларига лаёқатсиз деб топилган шахслар умумтаълим имтиҳонларига қўйилмайди ва номзодлар рўйхатидан ўчирилади.

Курсантликка номзодлар қуйидаги:

— математика;

— физика;

— она тили ва адабиёт фанлари бўйича тест тарзидаги давлат имтиҳонлари топширадилар.

Тест синовлари ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида ўтказилади. Тест синовларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрдаги 496-сонли «Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматчилар ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмларнинг тавсияномасига эга шахсларга олий ҳарбий билим юртига рўйхатга олиш чоғида улар тўплаган баллар сонига ўтиш бали энг кўп миқдорининг 10 фоизини қўшиш тарзида имтиёзлар берилади.

Ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейлар битирувчиларига рўйхатга олиш чоғида улар тўплаган баллар сонига ўтиш бали энг кўп миқдорининг 3 фоизини қўшиш тарзида имтиёзлар берилади.

Билим юрти курсантлари ўқиш мобайнида ҳар йили 2 марта (қишда — 2 ҳафта ва ёзда — 1 ой муддатга) таътилга чиқадилар. Таътил ўтказиш жойига бориб-келиш учун курсантларга йўл ҳужжатлари берилади.

Ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирган ва Давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширган курсантларга «ЛЕЙТЕНАНТ» офицерлик унвони ҳамда соҳасига мувофиқ олий маълумотини тасдиқловчи давлат намунасидаги диплом ва кўкрак нишони топширилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ ОЛИЙ ХАРБИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ БОШҚАРМАСИ.**

# Музейлар фаолиятига эътибор

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ мамлакатимиз музейларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилган эди.**

**Жамғарманинг бугунги фаолияти ҳақида унинг раиси Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Жамғарма ташкил этилиши туфайли мамлакатимиздаги музейлар фаолияти атрофлича ўрганилди,— дейди Н. Ҳабибуллаев.— Бу эса улар фаолиятини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Ўтган вақт мобайнида «Ўзбекистон музейлари ишларини ривожлантириш илмий концепцияси» яратилди. Ҳозир музейларимиз ўз иш фаолиятини мазкур концепция асосида қайта қурмоқда. Шунингдек, илмий жамоамиз томонидан «Мустақил Ўзбекистон сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиланиш йўлида» мавзуидаги экспозициянинг илмий концепцияси ҳам яратилди ва музейларга жўнатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Фармонида ҳудудий, идоравий бўйсунишдан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, музей фаолияти билан шуғулланувчи барча ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш, уларга илмий-услубий раҳбарлик қилиш, илмий муассасаларни музейшуносликни ривожлантиришда фаол иштирок этишга жалб қилиш «Ўзбекмузей» жамғармаси зиммасига юклатилган.

Жамғарма ташкил топмасдан аввал мамлакатимиз музейларининг таркоблиги кўзга ташланарди. Улар турли бошқарув идораларига бўйсунгани сабабли режалар вазиятдан келиб чиққан ҳолда тузиларди. Ҳозир жамғарма музейларга ҳар томонлама ёрдам бериб, уларда тайёрланаётган илмий альбом ва йўл кўрсаткичларини ўз ҳисобидан нашр эттирмоқда, илмий-методик қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда.

Шу кунларда мингдан ортиқ атамани ўз ичига олувчи «Музей терминлари» лўғати нашрга тайёрланяпти. Музейларга аудио, видео ва бошқа техникавий ускуналар таъминоти бўйича бепул ёрдам берилмоқда.

Жамғармамиз фаолиятининг яна бир жиҳати— мустамлакачилик даврида юртимиздан олиб кетилган тарихий ёдгорликлар, музей экспонатлари, археологик қазилма топилмаларини юртимизга қайтариш ҳамда улардан халқимизни баҳраманд этишга баҳоли қудрат ҳисса қўшишдан ҳам иборатдир.

**Ҳ. СОДИҚОВА.**

# Тераклар бўй чўзмоқда

**Ўзбекистонда ишга яроқли ёғоч олиш учун мўлжалланган табиий ўрмонлар деярли йўқ. Айни пайтда халқ хўжалигида ушбу материалга бўлган эҳтиёж жуда юқори. Албатта, уни жаҳон бозорида, масалан, Россиядан қиммат нархда, боз устига эркин муомаладаги валютага сотиб олиш мумкин. Ваҳоланки, Ўзбекистонда ёғоч турларидан бири — терак азалдан машҳур бўлган ва маҳаллий эҳтиёжлар учун ўстирилган.**

**Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан ишга яроқли ёғоч олиш мақсадида терак етиштириш агротехникаси ишлаб чиқилди. Мазкур институт директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Абдушукур ХОНАЗАРОВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Ушбу теракнинг бошқа турлардан асосий фарқи — унинг тез ўсишидир. Терак фойдаланишга яроқлилик ёшига бошқа турларга қараганда икки-тўрт марта тез етади. Теракнинг саноат учун мўлжалланган турлари 15—20 ёшда 100 ёшли қорақарағайдан қанча ёғоч олинса, шунча ёғоч беради. Теракни бизнинг шароитимизда 12—15 йилда кесиш мумкин. Еруғлик ва иссиқликнинг кўплиги, сунъий суғориш ушбу ўсимлик турининг ўз хусусиятларини кўрсатиши учун қулай шароит яратади.



Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бизнинг шароитимизда саноат теракчилиги маҳсулдор ва даромадли бўлиши мумкин. Бироқ, керакли натижага эришиш учун муайян талабларни бажариш лозим. Аввалambor, терак майдонларига селекция йўли билан етиштирилган кўчатларни экиш керак. Тажрибалар давомида ишлаб чиқаришга теракларнинг истиқболли гибридларини жорий қилиш билан экиш унумдорлигини 50 фоизгача ошириш ва ҳозирда ишлаб чиқаришда кенг тарқалган теракларга нисбатан гектаридан 200—300 кубметр қўшимча ёғоч олиш мумкин. «Болле», «Интилувчан», «Ўзбекистонда биринчи», «Пирамидасимон яхшилаган», «Бахофена», «Қора», «Евроамерика кечки тераги» каби тераклар шундай турлар сирасига киради.

Ушбу теракларнинг ҳар бир тури ва гибридлари яхши ўсиб, муайян агроиқлим шароитида ривожланади. Ўзбекистон ҳудудида бешта ана шундай агроиқлимли туманлар ажратилган. Шунинг учун аниқ бир жойга теракзор барпо этиш учун теракнинг тури ва гибридини танлашда бу омилни ҳисобга олиш керак.

Шу билан бирга, экин материалининг тури ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, баъзи тераклар қаламчадан тез кўпаяди. Ҳақиқатдан ҳам бу — кўпайтиришнинг энг оддий ва арзон усули ҳисобланади. Бироқ, теракларнинг барча тур ва гибридлари шу тарзда бир хил экилмайди, айниқса, шўрланган ерларда яхши илдиз отмайди. Бунда илдиз отган қаламчалар ёки кўчатларни экиш қулайроқ. Уларнинг тутиб кетиш даражаси икки марта юқори.

Шу боис кафолатланган натижага эга бўлиш учун айнан кўчат майдонларини ташкил этиш тавсия этилади. Акс ҳолда нимжон кўчатлар олишингиз, пировард натижада режалаштирган ишга яроқли ёғоч ололмаслигингиз мумкин, ёрингиздан эса оқилона фойдалана олмайсиз.

Бир гектар ерга экиш режалаштирилаётган ўсимликлар сони ёки кўчатларнинг қалинлиги масаласи ҳам жуда муҳимдир. Ваҳоланки ҳар бир ўсимлик, шу жумладан ёғоч олинадиган дарахтларнинг ўсиши учун маълум кенглик, яъни илдиз тизими учун тупроқ миқдори ва шох-шаббаси учун кенглик талаб этилади. Кўчатларни сийрак экиш натижасида дарахтларда ён шохларнинг ривожланиши ҳисобидан тана қисми яхши ўсмаслиги мумкин. Қалин экилса, дарахтнинг ривожланиши сунъий равишда чекланиб туради. Чунки, кўп дарахтга ҳам ана шу ресурслар сарфланади. Ўсимликлар қатор оралиғи уч метр, уларнинг ўртасидаги масофа бир метр бўлса маъқул ҳисобланади. Бироқ, бундай экишда дарахтларни беш-ўн йилда кесиб туриш лозим, яъни экилган ўсимликларнинг ярми қириб ташланади. Натижада, ўн бир йилдан сўнг иккинчи кесишда дастлаб экилган дарахтларнинг тўртинчи қисмини оламиз, яъни ҳар бир дарахтнинг ўсиши учун кенгроқ жой очамиз.

Бундан кўриниб турибдики, маҳсулдор тераклари ўстириш учун кўп нарсани билиш керак. Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида бу борада етарли маълумотлар бор. Ушбу билимлар саноат теракчилигига оид тавсияларда мужассамлашган. Бундан ташқари, ҳар бир танланган участка учун терак турлари, тупроқни тайёрлаш ва унга қараш усули, суғориш меъёри, шунингдек, суғориш миқдори ҳамда сувни вегетация, яъни ўсиш даврида тақсимлаш, ўғитлар солиш меъёри, муддати ва бошқа кўпгина нарсалар алоҳида ишлаб чиқилиши керак. Институт олимлари ўз билимлари билан ўртоқлашишга, экин материаллари билан алмашишга тайёр.

**Н. УСМОНОВА.**

● В ЦЕНТРАЛЬНОМ ДОМЕ ОФИЦЕРОВ

# НА СЦЕНЕ — ВЕСЕННИЕ РОССЫПИ

**Два полных дня была отдана сцена театрального зала Центрального Дома офицеров Вооруженных Сил Республики Узбекистан спортсменам-танцорам ведущих коллективов нашей страны: «Родник», «Молодость», «Силуэт», «Оникс», «Шанс», «Виктория» и их коллегам из «Дуэта», «Балаусы», «Согдианы» из соседнего Казахстана.**

Здесь прошел международный турнир по спортивным танцам «Весенние россыпи-2002». В яркий праздник превратилось это соревнование, в котором принимало участие свыше ста танцевальных пар из Казахстана и Узбекистана. Его участники, разные по возрасту — от 6 до 35 лет, но одинаково любящие свой вид спорта, оспаривали первенство в острой конкурентной борьбе.

Раз за разом сменяли пары друг друга на сцене. В строгом (обязательное правило—белый верх, черный низ)—элегантная мужская половина и в ярких, пышных нарядах их партнерши в разных по характеру исполнения танцах — от медленных до стремительных — придавали сменявшимся на сцене ритмам особое праздничное настроение.

За великолепной грацией спортсменов, их все время улыбающимися лицами, сверкающими глазами очаровательных танцовщиц угадывалась кропотливая, предшествовавшая событию, огромная работа. Это итог упорного труда как самих участников турнира, так и их тренеров.

О значительных физических нагрузках танцующих можно было только догадываться по восстанавливающемуся у них ритму дыхания после каждого выступления. А великолепную форму нужно было сохранять в оба дня соревнований. Ведь впереди у многих еще были четверть- и полуфиналы. И их необходимо было пройти, оставив позади себя многих соперников. Каждый из десяти видов танцев спортивной программы (у младших по возрасту их было меньше) нужно было показать строгим судьям во всей его красе.

Медленный вальс сменялся квикстепом, джайф — венским вальсом, за ча-ча-ча наступило время самбы... И при этом каждый элемент танца должен был «звучать» безукоризненно. Только тогда спортсмены могли рассчитывать на место в финальной шестерке. А это сулило либо памятные сувениры, либо медали соответствующего занятому месту достоинства.

То, что праздник красоты, грации, очарования имел большой успех и останется надолго в памяти зрителей и его участников — бесспорно.

Надо отдать должное его устроителям — офицерам культурно-досуговой службы Министерства обороны, сотрудникам ЦДО, руководителю коллектива «Родник» при ЦДО — организатору «Весенних россыпей»—Иреку Хабибуллину, которые провели этот спортивно-танцевальный форум. Здесь было продумано все: и техническое, и музыкальное обеспечение, и встречаразмещение гостей, и созданная настоящая атмосфера соревнований. Да и о судейской «бригаде» позаботились, создав настоящую творческую обстановку для работы.

Турнир назвал победителей и выявил лучших. Еще он стал очередным этапом в совершенствовании мастерства спортсменов, их умении достигать своих, для кого-то первых, а для кого и очередных, побед в столь красивом виде спорта.

**Подполковник К. МИРГАЛАУТДИНОВ.**

**На снимках:**

— (вверху) **в вихре танца спортсмены-финалисты:**

— (внизу) **эта пара — Юлия Антонян и Алексей Шароватов («Родник» при ЦДО) стали победителями турнира «Весенние россыпи-2002» в европейской программе.**

Фото **К. ТУРАЕВА.**

# Шарқ мунажжимлари башорати

**ТОҒ ЭЧКИСИ** келаётган ҳафтани кўпдан бери ўйлаб юрилган режаларни амалга оширишга бағишлагани маъқул. Барча ишларда атрофдагилар сизни қўллаб-қувватлашга тайёр, сиз уларнинг маслаҳат ва ёрдамига таянишингиз мумкин. Ишда босиқ бўлинг, чунки раҳбарлар билан келишмовчиликлар бўлиши мумкин, бунга йўл қўймасликка ҳаракат қилинг. Сиз учун қулай кунлар — чоршанба ва пайшанба.

**ҚОВҒА**лар даромад олишнинг янги йўлларини қидиришлари ва ўзларининг келажакка мўлжалланган молиявий режаларини қайта кўриб чиқишларига тўғри келиши эҳтимол. Мунажжим фикрича, агар сиз бу ҳақда ҳозирдан ўйлаб кўрсангиз келажакда моддий муваффақиятларингизни сақлаб қолишингиз мумкин. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ барча масалалар муваффақият билан ҳал бўлади. Омадли кунлар — сешанба ва чоршанба.

**БАЛИҚ**лар ишда раҳбарлар назарига тушадилар. Сизга эътибор қаратадилар, жиддийлигингиз ва меҳнатсеварлигингизни муносиб баҳолайдилар. Умуман, бу кунларда хизматда ижобий ва салбий ҳолатлар баб-баравар бўлади. Шунинг учун ҳеч нарсага, ҳатто раҳбарларнинг ўзгарувчан муносабатларига ҳайрон бўлманг. Сешанба — омадли кун.

**ҚЎЙ**лар бу даврда жуда ишончли ишбилармон шериклар топишга ва улар билан бир қатор тижорат операцияларини амалга оширишга эришадилар. Уларнинг молиявий натижалари сиз учун ёқимли бўлади. Бундан ташқари, фаолиятнинг янги турини бошлаш ёки ҳозирги бизнесни кенгайтириш билан боғлиқ барча ишлар муваффақият билан якунланади. Омадли кунлар — сешанба ва пайшанба.

Хусусий бизнес билан шуғулланувчи **БУЗОҚ**лар, агар чет эллик шериклар билан бирон бир келишувга эришсалар, бу ҳафтада яхшигина даромад олишлари мумкин. Хусусий бизнес билан шуғулланмайдиганлар ҳам иш ҳақлари оширилиши сабабли молиявий аҳволлари яхшиланишига умид қилсалар бўлади. Ҳафтадаги қулай кунлар — чоршанба ва якшанба.

**ЭГИЗАК**лар энг қийин можароли ҳолатлардан ҳам яхши чиқиб кетадилар. Бизнес соҳасида сизни жиддий рақобатдошлик кураши кутмоқда — шериклар кучли, эҳтиёт бўлинг ва шошилинч қарорлар қабул қилманг. Ўзингизни тута билинг, шунда барча музокаралар сиз учун муваффақиятли бўлади. Омадли кунларингиз — чоршанба ва пайшанба.

**ҚИСҚИЧБАҚА**лар учун келгуси ҳафта, айниқса, спорт билан шуғулланиш, чет тилларни ўрганиш, ижодий фаолият ва янги танишлар орттириш учун яхши бўлади. Булар натижасида бу буржнинг ёлғиз вакиллари ўз жуфтларини топишлари ва янги жиддий муносабатлар бошлашлари мумкин. Сиз учун қулай кунлар — сешанба ва пайшанба.

**АРСЛОН**лар ўз эътиборларини касбий ўсиш ва юқорироқ лавозимга кўтарилиш билан боғлиқ масалаларга қаратганлари маъқул. Бу борада ижобий натижаларга эришиш учун сиз ўз томонингизга нуфузли кишиларни ёқтиришингиз лозим. Юқори лавозимдаги бошлиқларга мурожаат қилинг ва ишонинг — улар сизни эътиборсиз қолдирмайдилар. Омадли кунлар — жума ва якшанба.

**ПАРИЗОД**лар асосий касбий фаолиятлари билан боғлиқ бўлган қўшимча ишга берилган маблағ орқали ўзларининг моддий аҳволларини анчагина яхшилаб олиш имконига эга бўладилар. Хизматда янада кўтарилиш учун эътиборли кишилар билан алоқалар ўрнатишга ва янги обрўли танишлар орттиришга ҳаракат қилинг. Сиз учун қулай кунлар — шанба ва якшанба.

**ТАРОЗУ**лар раҳбарлардан янада кўпроқ иш ҳақи бериладиган лавозимга ўтказиш ҳақида илтимос қилишлари лозим бўлади. Мунажжим фикрича, сиз бунга албатта эришасиз, чунки юлдузлар касбий ўсиш билан боғлиқ масалалар ечимига қулайлик туғдирмоқда. Бизнес билан шуғулланувчилар турли ишларга маблағ қўйишда эҳтиёт бўлишлари керак, чунки бунда омадсизлик бўлиши мумкин. Муваффақиятли кунлар — жума ва шанба.

**ЧАЁН**лар хизматда ўз вазифаларига эътиборлироқ бўлишлари керак, чунки уларнинг нотўғри бажарилиши касбдошлар ва раҳбарлар билан муносабатларда келишмовчиликлар келтириб чиқариши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзингизни раҳбарлар томонидан айтиладиган кўнгилсиз гапларга олдиндан тайёрлаганингиз яхши. Сиз учун қулай кунлар — сешанба ва пайшанба.

**ЎҚОТАР**ларга бу ҳафта касбдошларига ўзларини улардан устунроқ эканликларини исботлаш учун яхши имконият яратади. Касбдошлардан бирортаси ҳам раҳбарият томонидан берилган муҳим топшириқни бажаришга қўл урмайди, сиз эса жуда яхши уддалайсиз. Атрофдагилар мақтовга учманг, чунки кеккайиш яхшиликка олиб бормаслигини сиз эсдан чиқармаслигингиз лозим. Жума ва шанба — омадли кунлар.

## ЯНГИ ЛУҒАТ

Тошкентда КАФЕ —Марказий Осиёга беғараз ёрдам халқаро ташкилотига қарашли Андижон тараққиёт маркази ташаббуси билан Андижон давлат университети олимлари томонидан нашр этилган «Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати» тақдимоти бўлиб ўтди.

Луғат Ўзбекистон Очиқ жамият институтининг «Оммавий ахборот воситалари» дастури доирасида лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида тайёрланди. Унга ўзбек тилида фаол қўлланилаётган 15 мингга яқин сўз жамланган. **(ЎзА).**

## ПОХИЩЕН КРОКОДИЛ

Крокодила длиной примерно 1 метр 20 сантиметров похитили из аквариума в офисе столичного филиала ООО «Межрегионгаз» на Садовнической улице. Представители компании оценили ущерб в 45 тыс. рублей.

● ТАБИАТ ҚУЙНИДА БИР ЛАҲЗА

# Мокеле-мембе—сўнгги динозавр

Конгода сирли мавжудот яшайди. Уни туб аҳоли Мокеле-Мембе деб номлашади. Кўпчилик мутахассислар бу мавжудотни тадқиқ этишга уринишиб, уни энг сўнгги динозавр деб таъкидлашмоқда. Дарвоқе, маҳаллий халқ тилида Мокеле-Мембе — «дарёни тўхтатиб қўювчи» маъносини англатди.

Оқ танли одамлар Мокеле-Мембе мавжудлиги ҳақидаги маълумотни юз йил олдин эшитишган. Мана бир асрдирки, зоологлар ўртасида баҳс-мунозара давом этмоқда. Бу борадаги ҳар хил гипотеза, мунозараларга чек қўйиш мақсадида машҳур олим Хеймс Пауэлл Конгога сафар уюштирди. Қуйида эса мазкур сафар ва умуман сўнгги динозавр билан боғлиқ маълумотлардан сизни ҳам огоҳ этамиз.

Қачонлардир пигмейлар заминида динозаврлар сувда ҳам қуруқликда ҳам эмин-эркин яшашган. Ҳатто бу халқ хотирасида Мокеле-Мембелар билан боғлиқ турли афсоналар мавжуд. Очиғи, пигмейлар бу мавжудотдан қўрқишган ва уни ўлдиришмаган. Уларнинг қадим ёзувларида динозаврнинг филга ўхшашлиги, бироқ узун дум ва силлиқ бўйинлари билан тимсоҳни ҳам эслатиши қайд этилган.

Хуллас, 1997 йилда Жеймс Пауэлл ва дўсти Рой Маккел сирли динозаврни излаб Африкага йўл олдилар. Конгода улар тасодифан пигмейларнинг апулаконо номли қабиласига дуч келишади. Пауэлл қабила жодугарига турли жонзотлар, хусусан, динозаврларнинг ҳам суратларини кўрсатади. Шунда у бир динозаврнинг суратини узоқ томоша қилиб, унинг Мокеле-Мембе эканлигини таъкидлади. Шунингдек, айрим биологик маълумотларни ҳам қўшимча қилди у ва дарё, кўл соҳилларида яшашини, ўт-ўланлар, мевалар билан озиқланишини айтди. Қабиланинг бошқа вакиллари кекса жодугарнинг маълумотларини тўлдиришди. Бунга кўра, Мокеле-Мембенинг кези келганда тажовузкор экани, одамни осонгина ўлдира олиши мумкинлиги, бироқ ўз қурбонлари жасадини емаслиги ойдинлашди.

Олимлар Локорродаги бепоён ботқоқликларда динозаврни излашни бошладилар. Кутилмаганда сув остидан ғалати товуш—шовқин эшитилди. Йўл кўрсатувчилар эса «Мокеле-Мембе» дея қичқиришди шу заҳоти. Қаерандир пайдо бўлган тўлқин сал бўлмаса қайиқни ағдараёзди. Воқеа қанчалар тез содир бўлган бўлса, шунчалар тез якунланиб, осойишталик қарор топди. Бир неча кун ўтгач, кичик экспедиция Иноно деган шаҳарга етди. Яъни Мон-Ндомбе номли чуқур кўл атрофидаги шаҳарга. Маҳаллий меҳмонхонада кўним топишган олимлар бу ерда ҳам динозавр ҳақидаги турли ҳикояларни эшитдилар. Буларга кўра, япон олимлари келишиб, бу жонзотни суратга ва видеотасмага туширишга муваффақ бўлишган. Келинг, Иноно аҳлининг динозавр билан боғлиқ бир қизиқ воқеасини эшитайлик. Маҳаллий балиқчилар қадим жонзотнинг яшаш жойини аниқлашгач, унга тузоқ қўядилар. Ҳатто ўтган асрнинг 60 йиллар ўрталарида кўлнинг энг чуқур жойида унинг бошини сувдан чиқариб, одамларга қараб тургани маълум. Хуллас, ов бароридан келди. Бундайин улкан ўлжа билан қайтишган балиқчилар қишлоқ аҳлига унинг гўштини улашади. Мокеле-Мембенинг гўштини истеъмол қилганлар заҳарланиб ўладилар. Бу воқеа саёҳатчи олимларнинг қизиқишини янада орттирди.

Мон-Ндомбе кўли қайдасан, дея йўлга тушишди. Икки ҳафта давомида олимлар кўл устидан унча катта бўлмаган гидросамолётда парвоз қилдилар. Видеокамера барча парвозларни ёзиб олаверди. Бироқ айнан ўша куни видеокамера ўчирилган, фотоаппарат ҳам қаердадир уйқашиб ётганди. Бирдан жонзотнинг сув узра боши, узун, эгилувчан бўйни ва елкасининг маълум қисми кўринди. «Жеймс, қара, қара динозавр!», — бақирди Маккал. Аммо бусиз ҳам олим сирли мавжудотни аниқ-равшан кўриб турганди. Ачинарлиси, видеокамера ўчириб қўйилганди. Пауэлл тезда бу жонзотни видеотасмага муҳрлашга ошиқди. Афсуски, бу пайтда динозавр сув остига шўнғий бошлаганди. Улкан махлуқ видеокамера объективида 30 секундча акс этди, ҳар ҳолда. Олимлар кўл устида яна узоқ-узоқ учишди. Бахтга қарши Мокеле-Мембе сув остидан бошқа кўтарилмади.

**Ш. ТОЛМАСОВ таржимаси.**

# СКАНВОРД




Тузувчи: Акрамжон Хўжамов

● ПЕСТРЫЙ МИР

## СВОЕОБРАЗНОЕ РЕШЕНИЕ

Руководство британской армии приняло решение разрешить холостым солдатам оставлять в казармах на ночь своих подруг. «Мы хотим более лояльно относиться к проблемам и желаниям каждого солдата. Посетительницы должны стать скорее нормой, чем исключением», — сообщил глава армии генерал Майкл Уолкер. Он добавил, что сейчас армия столкнулась «с проблемой привлечения новых призывников, поэтому необходимо изменить политику и прислушаться к голосу общества».

## ВЫСТАВКА...

В городе Хот-Спрингс, штат Южная Дакота, открылась выставка фотографий, которые висели в Белом доме во время восьмилетнего срока президентства Билла Клинтона. Выставка состоит из 71 фотографии. Предполагается, что до закрытия выставки в сентябре 2002 года ее посетят 250 тыс. человек.

## НЕ ИГРУШКА

В Иркутске в результате взрыва металлического цилиндра противогаза, брошенного в костер, погиб школьник. Как сообщили в МВД России, в городе Иркутске на улице четверо школьников бросили в костер металлический цилиндр от противогаза, заполненный бензином. В результате взрыва один из них погиб, остальные с ожогами и ранениями госпитализированы.

**(По материалам печати).**

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-03-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82, отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.
Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.
Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».
Заказ № 0112.